

Сийрат дарслари (90-дарс). Намозни интизор бўлиб кутиш



13:30 / 19.06.2020 5266

376. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Сизларни Аллоҳ хатоларни ўчирадиган, даражаларни кўтарадиган нарсага далолат қилайми?»** дедилар. «Албатта, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. **«Қийинчиликларга қарамай таҳоратни яхшилаб қилиш, масжидларга қадамни кўпайтириш ва намоздан сўнг намозни интизор бўлиб кутиш. Ана ўша сизлар учун «муробит»ликдир»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Чегарани қўриқлаб турадиган одам «муробит» дейилади.

377. Абу Зарр Ёифорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ҳар бирингиздан ҳар бўғимига садақа лозим бўлади. Демак, ҳар бир тасбиҳ садақадир, ҳар бир ҳамд садақадир, ҳар бир таҳлил (Лаа илааҳа иллаллоҳ) садақадир ва ҳар бир такбир садақадир. Амру маъруф садақадир. Наҳйи мункар садақадир. Ўшаларнинг ўрнига чошгоҳда икки ракат намоз ўқиш кифоя қилади», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

378. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: «Бирингиз ташаҳҳудни ўқиганидан кейин Аллоҳдан тўрт нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрасин: «Аллоҳим, Сен ила жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, тириклик ва ўликлик фитнасидан ҳамда масиҳ дажжолнинг фитнасидан паноҳ сўрайман», десин».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам» китобидан